



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

№4/2

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2024



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 4/2-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров
PhD, доцент И.М.Пардаева
А.Х.Мингбоев

Техник муҳаррир:

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба
чоп этилади.

Ўзбекистон худудида
тарқатилади.

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори, DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти, DSc

А.М.Каримова – СамИСИ профессори в.б., DSc

МУНДАРИЖА:

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Мурод Мухаммедович Мухаммедов Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишлари	5
Sanjarbek Komiljon o‘g‘li Boyjigitov Don va un mahsulotlari bozorida iste‘molchi xulq-atvori mezonlarini qo‘llash imkoniyatlari	11
Шавкат Собирович Олтаев Рақамли иқтисодиёт шароитида аҳоли турмуш даражасининг иқтисодий мазмуни ва уни ўлчаш кўрсаткичлари	14
Shirinboy Bo‘ron o‘g‘li O‘razaliyev Funksiya hosilasining iqtisodiyotdagi o‘rni	17
ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ	
Сарвар Аюбовна Исхакова Развитие сферы услуг в условиях цифровой трансформации национальной экономики	20
Шехроза Маджитовна Каримова Инновации в сфере услуг общественного питания	25
Рахима Жамshedовна Курбанова Хизмат кўрсатиш корхоналарини рақамли иқтисодиётга ўтказишни татбиқ этиш модели	28
Зарина Муродовна Мухаммедова Хизматлар соҳасида инвестицион ресурсларни инновацияларга йўналтириш механизмлари	34
Eldor Anvarovich Nozimov Xizmat ko‘rsatishda elektron tijoratni samaradorligini oshirish	39
Shohista Baxriddin qizi Turdiyeva Elektron savdo va uning o‘ziga xos jihatlari	42
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Жунайдилло Садиевич Файзиев Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш – иқтисодий ривожланиш гаровидир	45
Ғайрат Яхшибаевич Пардаев, Акрам Джуракулович Ғафуров, Рузбой Нормаматов Грек ёнғоғи мевасининг истеъмол қиймати ва ёнғоқ етиштиришда кўрсатиладиган хизматларнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш	50
Shohruh Zafar o‘g‘li Jalilov Bog‘dorchilik tarmog‘ida investitsion faoliyatining nazariy asoslari	53
Muslimaxon G‘ayratjon qizi Sotvoldiyeva Ekologik va iqtisodiy barqarorlikni ta‘minlashda suv resurslarining ahamiyati va boshqaruvi	57
МЕХНАТ, БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Озода Мамаюнусовна Пардаева, Мирзо Улугбекович Болтабоев Меҳнат бозори трансформациясида “юмшоқ” кўникмалар ва ижтимоий ҳимоянинг аҳамияти	62

МЕҲНАТ, БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев – СамИСИ профессори, иктисодиёт фанлари доктори,
Озода Мамаюнусовна Пардаева – ТДИУ, Самарқанд филиали кафедра мудири, PhD,
Мирзо Улуғбекович Болтабоев – Самарқанд вилояти иктисодиёт ва молия бош
бошқармасида бош мутахассис

МЕҲНАТ БОЗОРИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИДА “ЮМШОҚ” КЎНИКМАЛАР ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация. Мақолада меҳнат бозори трансформациясида (МБТ) “Юмшоқ” кўникмалар ва ижтимоий ҳимоянинг аҳамияти қараб чиқилган. Бунда жаҳон иктисодиётидаги мулоқот қобилияти, жамоада ишлаш, муаммоларни ҳал қилиш, танқидий фикрлаш, креативлик каби кўникмалар бугунги кунда иш берувчилар томонидан юқори баҳоланиши ҳам қайд этилган. “Юмшоқ” кўникмаларни ривожлантириш учун турли тренингларда қатнашиш, китоблар ўқиш, ўз устида мустақил ишлаш ва ҳаёт тажрибасидан сабоқ олиш ҳам муҳимлиги кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, “юмшоқ” кўникмаларнинг жаҳон меҳнат бозорига таъсири аниқ давлатлар мисолида ёритиб берилган. МБТда ижтимоий ҳимоянинг аҳамияти ва таъсири ҳам қараб чиқилган.

Калит сўзлар: меҳнат бозори трансформацияси, меҳнат, меҳнат бозори, юмшоқ кўникмалар, глобаллашув шароити, меҳнат миграцияси, демографик ўзгаришлар, ижтимоий ҳимоя, ишсизлик, ишсизлик нафақаси.

Кириш. Бугунги кунда меҳнат бозори трансформациясида “юмшоқ” кўникмалар ва ижтимоий ҳимоянинг аҳамиятлилик даражаси ошиб бормоқда. Чунки, ушбу масала бўйича Президентимизнинг қатор фармон ва қарорлари ҳам қабул қилинди. Жумладан, 2024 йил 8 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Меҳнат миграцияси жараёнларини такомиллаштириш ҳамда хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган шахсларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-93-сонли Фармони¹, 2023 йил 1 июнда “Аҳолини ҳунармандчиликка жалб қилиш ва ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПФ-82-сонли фармони², 2023 йил 18 майда “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-67-сонли фармони³, 2023 йил 23 февралда “Ёшларнинг бандлигига қўмаклашиш ҳамда уларни доимий иш билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги ПҚ-70-сонли қарори⁴, 2023 йил 25 январдаги “Касаначиликни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-18-сонли қарори⁵, 2021 йил 1 декабрда “Ишчи касблар бўйича кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5094-сонли қарори⁶, 2021 йил 1 декабрда “2021 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига қўмаклашиш бўйича давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-6222-сонли фармони⁷ каби ҳужжатлар қабул қилинганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Булардан ҳам кўриниб турибдики, бугунги кунда меҳнат бозори трансформациясида “юмшоқ” кўникмалар ва ижтимоий ҳимоянинг аҳамияти ўзига хос долзарб аҳамият касб этмоқда.

Тадқиқот методологияси. Ҳозирги инновацион омиллар эвазига жадал ривожланаётган шароитда меҳнат бозори трансформациясида “Юмшоқ” кўникмалар ва ижтимоий

¹ <https://mehnat.uz/uz/documents/uzbekiston-respublikasi-prezidentining-farmon-va-qarorlari>.

² <https://lex.uz/ru/docs/-6490321>.

³ <https://lex.uz/docs/6480342>.

⁴ <https://lex.uz/docs/-6595344>.

⁵ <https://lex.uz/docs/6389635>.

⁶ <https://lex.uz/docs/5449377>.

⁷ <https://lex.uz/docs/5394867>.

химоянинг аҳамиятини тадқиқ қилиш жараёнида шакл ва мазмун, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, макон ва замон, мантикий таҳлил каби услублардан фойдаланилган.

Тадқиқот ва натижалар. Замоनावий меҳнат бозорида нафақат касбий билим ва кўникмалар, балки "юмшоқ" кўникмалар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Чунки ушбу кўникма мулоқот қобилияти, жамоада ишлаш, муаммоларни ҳал қилиш, танқидий фикрлаш, креативлик каби кўникмаларни ўзида жамлаган ҳолда инсон салоҳиятини баланд қилиш имкониятига эга Шу туфайли бугунги кунда иш берувчилар томонидан ушбу ҳолат юқори баҳоланади. Мамлакатимизда "Юмшоқ" кўникмаларни ривожлантириш учун турли тренингларда қатнашиш, китоблар ўқиш, ўз устида мустақил ишлаш ва ҳаёт тажрибасидан сабоқ олиш каби ишлар ўта муҳимдир. Шу туфайли меҳнат бозори трансформациясида "Юмшоқ" кўникмаларнинг аҳамияти ҳам ортиб бормоқда.

Юмшоқ кўникма инглиз тилидан олинган бўлиб, soft skills, яъни инсоннинг маънавий, ижтимоий ва эмоционал қобилиятларини англатади. Юқорида таъкидланганидек, улар асосан шахснинг бошқалар билан муносабат қилиш, иш жойидаги жамоа билан ҳамкорлик қилиши ва ижодий фикрлаш қобилиятларининг талаб даражасида эканлиги билан белгиланади. Бошқа тушунчалар сингари юмшоқ кўникмалар ҳам ўз ичига бир қанча йўналишларни қамраб олади. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Биринчиси, бошқалар билан муносабатда намоён бўлади. Бунда бошқалар билан юмшоқ ҳолда самарали алоқа ўрнатиш, фикрларни аниқ ва равшан ифода қилиш.

Иккинчиси, жамоада ишлай олиш, улар билан муносабатларни ривожлантириш ва муаммоларни ҳал қилиш каби ижтимоий қобилиятга эгаллиги билан ифодланади. Бундай муносабатларда кибрдан йироқ бўлади.

Учинчиси, ўз ҳис-туйғуларини бошқара олган ҳолда, бошқаларнинг ҳис-туйғуларига эътибор бериш орқали, уларнинг ҳам туйғуларини англаган ҳолда ҳурматини жойига қўйиш қобилияти ҳам шаклланган бўлиши лозим. Бундай шароитда ҳис-туйғулар интеллекти шаклланган бўлади.

Тўртинчи йўналишга танқидий фикрлай олиш қобилиятини ҳам киритиш мумкин. Маълумотларни таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш ва муаммоларнинг бир қанча ечимларини топа олиш қобилияти ҳам шаклланган бўлиши лозим.

Бешинчисига инсоннинг етакчилик (лидерлик) хусусиятларининг шаклланганлигини келтириш мумкин. Лидерлар жамоага раҳбар бўлмай туриб, ўзининг айтганини қилдира оладиган инсонлар бўлади. Булар жамоани бошқариш, уларни яхши йўналишларга йўналтира оладиган қобилиятга ҳам эга бўлиши лозим.

Кўпинча юмшоқ кўникмалар муваффақиятли шахс сифатида ривожланадиган, ҳурмат эҳтиромга сазовор бўлиши учун муҳимдир. Булардаги яна бир хусусият, вақт ўтиши билан ўзгариб, ривожланиши даражасига мос равишда ўзгарувчан бўлишлиги билан ҳам ажралиб туради. Ушбу ҳолатга дунёдаги энг йирик консалтинг компанияларидан бири бўлган McKinsey ўтказган тадқиқотга кўра, 2030 йилга келиб, "юмшоқ" кўникмаларга бўлган талаб ҳозиргидан ҳам 30% га ортиши кўзда тутилган¹. Бугунги кунда кўплаб компаниялар ходимларни танлашда уларнинг касбий билимлари билан бир қаторда "юмшоқ" кўникмаларига ҳам эгаллиги хусусида эътибор қаратмоқда. Бунга мисол қилиб Google, Amazon каби йирик технологик компанияларни олиш мумкин. Ушбу компаниялар ўз ходимларида муаммоларни ҳал қилиш, жамоада ишлаш, креативлик каби кўникмаларни юқори баҳолайди. Чунки, ушбу фазилатлар инсонда "юмшоқ" кўникмаларнинг шаклланганлигидан далолат беради.

Шунингдек, Жаҳон банкининг ҳисоботида таъкидланишича, ривожланаётган мамлакатларда "юмшоқ" кўникмаларнинг етишмаслиги иқтисодий ўсишни секинлаштирадиган омиллардан бири ҳисобланади. Бу эса, барча жараёнларда "юмшоқ" кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган таълим дастурлари ва тренингларнинг аҳамиятини янада оширади. Шу туфайли мазкур масалага мамлакатимизда ҳам катта

¹ McKinsey Global Institute. (2018). *Келажақдаги иш: Автоматлаштириш даврида ишчи кучининг ўзгариши*.

эйтибор қаратилиши лозимлигини тақозо қилади.

Ўз устида ишлаш, турли тренингларда қатнашиш, китоблар ўқиш орқали инсон ўзида "юмшоқ" кўникмаларни ривожлантириши мумкин. Масалан, Дейл Карнегининг "Дўстлар орттириш ва одамларга таъсир ўтказиш" китоби мулоқот қобилиятини ривожлантиришга ёрдам берадиган энг машхур асарлардан бири ҳисобланади¹.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий меҳнат бозорида муваффақиятга эришиш учун нафақат касбий билим ва кўникмаларни эгаллаш, балки "юмшоқ" кўникмаларни ҳам ривожлантириш зарурлигига амин бўлмоқдамиз.

"Юмшоқ" кўникмаларни ривожлантириш орқали инсон нафақат меҳнат бозорида, балки шахсий ҳаётида ҳам муваффақиятларга эришиши мумкин. Мисол учун, ўзига ишонч, стрессни бошқариш, вақтни тўғри тақсимлаш каби кўникмалар ҳар қандай соҳада фойдалидир. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, эмоционал интеллект юқори бўлган одамлар ҳаётда кўпроқ муваффақият қозонадилар ва шахсий муносабатларда ҳам бахтли бўладилар².

"Юмшоқ" кўникмаларни ривожлантириш учун доимий равишда ўз устида ишлаш лозим. Ҳар бир инсон ўзининг кучли ва кучсиз томонларини аниқлаб, кучсиз томонларини ривожлантиришга ҳаракат қилиши керак. Бунинг учун турли тренинглар, семинарлар ва курсларда қатнашиш, мутахассислар билан маслаҳатлашиш, тегишли адабиётларни ўқиш ва ўз тажрибасидан сабоқ чиқариш муҳимдир. Айнан шунинг учун ҳар бир инсон дунёни ўрганиш учун ўзини ўрганишдан бошлаши лозим.

Масалан, мен ўзимда жамоада ишлаш қобилиятини ривожлантириш учун турли лойиҳаларда фаол қатнашаман ва бошқаларнинг фикрларини тинглашга ҳаракат қилишим керак, деган кўникма инсонда шаклланган бўлишлиги лозимдир. Бу ўз навбатида ҳар бир инсоннинг муаммоларни ҳал қилиш қобилиятини ошириш учун мураккаб вазиятларда тезда қарор қабул қилишга ва турли вариантларни кўриб чиқишга ўргатиб боради.

Хуллас, "юмшоқ" кўникмаларни ривожлантириш узоқ муддатли жараён бўлиб, доимий равишда ўз устида ишлашни талаб қилади. Аммо, бунинг натижасида инсон ҳаётнинг барча соҳаларида муваффақиятга эришиши мумкин.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, меҳнат бозори доимий равишда ўзгариб бормоқда ва бугунги кунда муваффақият қозониш учун янгича ёндашувлар талаб этилмоқда. Технологик ўзгаришлар, глобаллашув жараёнининг тезлашуви, демографик ўзгаришлар ва иқтисодий нотекистиклар меҳнат бозорида янги тенденцияларни келтириб чиқармоқда. Бундай шароитда муваффақият қозониш учун доимий равишда ўз малакасини ошириб бориш, янги технологияларни ўзлаштириш, хорижий тилларни ўрганиш, "юмшоқ" кўникмаларни ривожлантириш ва мослашувчан бўлиш муҳимдир.

Ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш масаласи ҳам меҳнат бозорини трансформациясида муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ишсизлик нафақалари миқдорини ошириш, иш қидиришда кўмаклашиш ва касбга қайта ўқитиш дастурларини ташкил этиш орқали ишсизларни ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари кўрилмоқда.

Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш ва ишсизларни қўллаб-қувватлаш борасида қатор чоралар кўрилмоқда. Хусусан, ишсизлик нафақалари миқдорини ошириш, иш қидиришда кўмаклашиш ва касбга қайта ўқитиш дастурларини ташкил этиш орқали ишсизларни ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ижтимоий ҳимоя тизимида **ишсизлик нафақалари** ҳам эътиборга молик масалалардан биридир. Бу борада 2024 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистонда ишсизлик нафақаси миқдори ошганлиги ҳам шунга мослигидан далolatдир. Эндиликда ишсизлик нафақаси энг кам иш ҳақининг 50 фоизидан 75 фоизигача миқдорда белги-ланди³. Бу ўзгариш ишсиз фуқароларнинг моддий аҳволини яхшилашга хизмат қилади.

¹ Carnegie, D. (1936). *Дўстлар орттириш ва одамларга таъсир ўтказиш*.

² Goleman, D. (1995). *Эмоционал интеллект*.

³ ПФ-108-сон 12.08.2024. Иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Бугунги кунда ишсизларни **иш қидиришда кўмаклашиш** масаласи ҳам ижтимоий ҳимоя тизимига киради. Мамлакатимизда ишсиз фуқароларга иш қидиришда кўмаклашиш мақсадида бандликка кўмаклашиш марказлари фаолият юритмоқда. Бу марказлар фуқароларга бўш иш ўринлари ҳақида маълумот бериш, резюме тузишга кўмаклашиш, касбга йўналтириш ва бошқа хизматларни кўрсатади. Бу вазифани ҳар бир маҳалла еттиликка ҳам юклаш мақсадга мувофиқдир.

Касбга қайта ўқитиш масаласи ҳам ижтимоий ҳимоя тизимига киради. Меҳнат бозоридаги талабга жавоб берадиган малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида касбга қайта ўқитиш дастурлари амалга оширилмоқда. Бу дастурлар доирасида ишсиз фуқаролар замонавий касбларни эгаллашлари ва меҳнат бозорида рақобатбардошлигини оширишлари мумкин.

Юқоридаги чоралар Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизимини янада такомиллаштириш ва ишсизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган муҳим қадамлардир. Мазкур масалани мамлакатимизда амалга оширилаётган «Креатив иқтисодиёт тўғрисида»ги қонунда кўзда тутилган ҳолатларга ҳам мос ҳолда қараб, масалага ижодий ёндашган ҳолда ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш ҳам лозимдир.

Ўзбекистон меҳнат бозори жадал трансформация жараёнини бошдан кечирмоқда. Бу жараёнга мослашиш ва инновацион иқтисодиёт талабларига жавоб бериш учун таълим тизимини ислоҳ қилиш, касбга ўқитиш тизимини ривожлантириш, рақамли саводхонликни ошириш, инновацияларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш каби чора-тадбирларни изчил амалга ошириш зарур.

Меҳнат бозори трансформациясининг иқтисодий жиҳатлари билан бирга, унинг ижтимоий жиҳатлари ҳам мавжуд. Чунки, меҳнат бозоридаги ўзгаришлар нафақат иқтисодий, балки ижтимоий соҳада ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Янги технологияларнинг жорий этилиши, автоматлаштириш ва рақамлаштириш жараёнлари айрим касбларнинг йўқолиб кетишига ва ишсизликнинг ортишига олиб келиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтожлигини оширади ва ижтимоий тенгсизликни кучайтириши ҳам мумкин.

Шу билан бирга, меҳнат бозори трансформацияси янги имкониятларни ҳам яратади. Масофавий иш ва фриланс шакллариининг ривожланиши ходимларга кўпроқ мослашувчанлик ва эркинликни таъминлайди. Бундан ташқари, янги касбларнинг пайдо бўлиши ва малака ошириш имкониятларининг кенгайиши аҳолининг бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини оширишга ҳисса қўшади.

Мамлакатимизда меҳнат бозори трансформациясининг ижтимоий жиҳатларини юмшатиш бўйича ҳам чора-тадбирлар кўрилмақда. Бунинг ҳам бир қанча йўналишларини қараб чиқиш мумкин.

Биринчи галда, **ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш** лозим. Бунда, ишсизлик нафақалари миқдорини ошириш, иш қидиришда кўмаклашиш ва касбга қайта ўқитиш дастурларини кенгайтириш орқали ишсизларни ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш масалалари кўзда тутилган.

Иккинчидан, ижтимоий шерикликни ривожлантириш масаласи ҳам ушбу йўналишлардан бири ҳисобланади. Бунда давлат, касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий мулоқотни кучайтириш, меҳнат бозоридаги ўзгаришларнинг ижтимоий оқибатларини муҳокама қилиш ва биргаликда ечимлар ишлаб чиқиш масалалари ўз ечимини топади.

Учинчидан, аҳолининг мослашувчанлигини ошириш ҳам ушбу йўналишлардан биридир. Бунга аҳолини меҳнат бозоридаги ўзгаришларга мослаштириш, янги кўникма ва малакаларни эгаллашга ўргатиш, психологик ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан таъминлаш каби масалалар киради..

Тўртинчидан, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш масаласи ҳам мамлакатимизда меҳнат бозори трансформациясининг ижтимоий жиҳатларини юмшатиш лозимлиги ҳам қайд этилган. Бунда мактабгача, мактаб ва олий таълим муассасалари,

соғлиқни сақлаш ва маданият муассасалари тармоғини кенгайтириш, аҳолининг ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини ошириш масалалари кўзда тутилган.

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда ривожланиш босқичига кирган меҳнат бозори трансформациясининг ижтимоий жиҳатларини юмшатиш масаласи ҳам ушбу соҳанинг ривожланишида муҳим ўринга эга.

<p>М.Пардаев, О.Пардаева, М.Болтабоев Значение мягких навыков и социальной защиты в трансформации рынка труда Аннотация. В статье рассматривается значение «мягких» навыков и социальной защиты в трансформации рынка труда (ТРМ). Также отмечается, что такие навыки, как коммуникативные навыки, работа в команде, решение проблем, критическое мышление и креативность в условиях глобальной экономики сегодня высоко ценятся работодателями. Для развития «мягких» навыков показана важность участия в различных тренингах, чтения книг, самостоятельной работы и обучения на жизненном опыте. Также на примере конкретных стран освещено влияние «мягких» навыков на мировой рынок труда. Важность и влияние социальной защиты также учитываются в ОБТ. Ключевые слова: трансформация рынка труда, рабочая сила, рынок труда, мягкие навыки, условия глобализации, трудовая миграция, демографические изменения, социальная защита, безработица, пособия по безработице.</p>	<p>M.Pardaev, O.Pardaeva, M.Boltaboev Importance of soft skills and social protection in labor market transformation Abstract. The article discusses the importance of "soft" skills and social protection in the labor market transformation (LMT). It is also noted that such skills as communication skills, teamwork, problem solving, critical thinking and creativity in the global economy are highly valued by employers today. The importance of participating in various trainings, reading books, independent work and learning from life experience is shown for the development of soft skills. The influence of soft skills on the global labor market is also highlighted using examples of specific countries. The importance and influence of social protection are also taken into account in the GBT. Keywords: labor market transformation, labor force, labor market, soft skills, globalization conditions, labor migration, demographic changes, social protection, unemployment, unemployment benefits.</p>
--	--

Умар Худайбердиев – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доценти, и.ф.н.

КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИ ВА УНИ ҚИСҚАРТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: Мақолада камбағалликнинг ҳозирги даврдаги ҳолати ва уни қисқартириш йўллари баён қилинган. Камбағалликни қисқартириш борасидаги чора-тадбирлар ёритилган.
Калит сўзлар: Аҳоли, камбағаллик, камбағаллик сабаблари, ижтимоий-иқтисодий шароит, янги иш ўринлари, даромад, ривожланиш.

Кириш. Жаҳондаги 200га яқин мамлакатлар иқтисодий ҳолати ва аҳоли турмуши бўйича ҳар хил даражададир, БМТ барча мамлакатларни иқтисодий ривожланишига қараб 3 гуруҳга бўлади. I гуруҳ – иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар; II гуруҳ – иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатлар; III гуруҳ – иқтисодиёти қолоқ мамлакатлар. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларга Европадаги кўпгина мамлакатлар, ҳамда АҚШ, Япония мамлакатлари киради. Иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларга Осиёдаги кўпгина мамлакатларни киритиш мумкин. Бу мамлакатлар иқтисодиёти ҳар йили 5,0-8,0 %га ривожланмоқда. Иқтисодиёти қолоқ мамлакатларга Африкадаги Конга, Мозамбик, Жанубий Судан каби мамлакатлар киради. Маълумки, иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар аҳолисининг турмуш шароити яхши бўлади. Иқтисодиёти қолоқ мамлакатлар аҳолисининг турмуши нисбатан ёмон бўлиб, кўплари қашшоқликда яшашади. Лекин, ҳар қандай мамлакатда ҳам турли сабабларга кўра даромадлари кам бўлиб, камбағалликда яшаётганлар ҳам бўлади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ўзбекистон аҳолиси мунтазам равишда кўпайиб бормоқда. Шунинг учун ҳам кўпайиб бораётган аҳолини иш билан таъминлаш,

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

20.11.2024 йилда теришга берилди. 11.12.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0134В/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.